

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ГЕОГРАФИК ЎРНИ, ТАБИЙ ШАРОИТИ

ВА СУВ РЕСУРСЛАРИ

Чариев Абдукаюм Кадирович

Терmez Давлат Университетининг География кафедраси ўқитувчиси, Термиз,
Ўзбекистон.

Аннотация: Мазкур мақолада Сурхондарё вилоятининг географик ўрни, табий шароити, сув ресурслари, иқтисодий ва агросаноат мажмуаси ҳакида сўз боради. Вилоятнинг ўзига хос субтропик иқлими, рельефининг хилма-хиллиги ҳамда сув ресурсларининг қишлоқ хўжалиги ва иқтисодий тараққиётдаги аҳамияти таърифлаб берилган. Шунингдек, Сурхон-Шеробод водийсидаги суғориладиган ерлар, янги ўзлаштирилган ҳудудлар ва сув омборларининг ролига ҳам тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Сурхондарё вилояти, Сурхон-Шеробод водийси, географик ўрин, табий шароит, сув ресурслари, рельеф, қишлоқ хўжалиги, сув омборлари, тоғ тизмалари, агросаноат мажмуаси.

THE GEOGRAPHICAL LOCATION, NATURAL CONDITIONS, AND WATER RESOURCES OF SURKHANDARYA REGION

Chariyev Abdukayum Kadirovich

teacher, Department of Geography,

Termez State University, Uzbekistan, Termez.

ABSTRACT: This article discusses the geographical location, natural conditions, water resources, and economic and agro-industrial complexes of the Surkhandarya region. It describes the region's unique subtropical climate, diverse relief, and the significance of its water resources for agriculture and economic development. Additionally, the role of irrigated lands, newly reclaimed territories, and reservoirs in the Surkhan-Sherabad valley is highlighted.

KEY WORDS: Surkhandarya region, Surkhan-Sherabad valley, geographical location, natural conditions, water resources, relief, agriculture, reservoirs, mountain ranges, agro-industrial complex.

АННОТАЦИЯ: В данной статье рассматриваются географическое положение, природные условия, водные ресурсы, а также экономический и агропромышленный комплекс Сурхандарьинской области. Описаны уникальный субтропический климат региона, разнообразный рельеф и значение водных ресурсов для сельского хозяйства и экономического развития. Особое внимание уделено роли орошаемых земель, новых освоенных территорий и водохранилищ в долине Сурхон-Шерабад.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: Сурхандарьинская область, долина Сурхон-Шерабад, географическое положение, природные условия, водные ресурсы, рельеф, сельское хозяйство, водохранилища, горные хребты, агропромышленный комплекс.

Мамлакатимизнинг энг жанубида жойлашган Сурхондарё вилояти 1941-йил 6-мартда ташкил топган. Унинг майдони 20,1 минг кв.км бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 4,5 фоизига тенг. Вилоятда, 2024-йил 1-январ маълумоти бўйича, 2877,1 минг киши ёки мамлакат аҳолисининг 7,9 фоизи истиқомат қиласиди. Бундан кўринадики, вилоятнинг демографик салоҳияти унинг майдонига нисбатан 1,7 марта юқори. Сурхондарё вилояти республика ҳудудий меҳнат тақсимотида ўзининг агросаноат мажмуаси, хусусан, пахта ва ғалла етиштириш, сабзавотчилик, чорвачилик маҳсулотлари билан ажralиб туради. Шунингдек, бу ерда тоғ-кон саноати (полиметалл рудалар, тошкўмир, нефт, табиий газ, туз), қурилиш материаллари саноати тармоқлари ҳам ривожланиб бормоқда. Минтақа ўзининг қатор бетакрор хусусиятларига эга. Жумладан, у республикамизнинг энг жанубида, энг тоғли, энг иссиқ ҳудудида жойлашган. Вилоятда урбанизация ва саноатлашув даражаси энг паст, демографик ривожланиш, яъни аҳоли табиий кўпайиши энг юқори ҳудудлардан биридир. Маъмурий жиҳатдан эса Сурхондарё вилояти 14

та қишлоқ тумани, 8 та шаҳар ва 114 та шаҳарчалардан иборат. Сурхондарё вилоятининг нисбатан жанубда жойлашганлиги, бу ерга йиллик ялпи қуёш радиациясининг кўп тушиши (1 см^2 юзага 160 ккал.), шунингдек қуёшли кунлар ҳамда ижобий ҳарорат миқдорининг юқорилиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, бу ерда рельеф омиллари билан биргаликда ўзига хос қуруқ субтропик иқлим ҳосил бўлган. Унинг ғарбида Бойсун тоғининг жануби-ғарбий давоми ҳисобланган Кўҳитанг тоғи (баландлиги 3137 м), шимоли-ғарбда Бойсун тоғи, шимолда Ҳисор тоғ тизмалари, шарқда эса Боботоғ тизмалари жойлашган. Вилоятнинг жанубий томони текисликдан иборат бўлиб, Амударё орқали Афғонистон давлати билан чегараланади. Минтақа релефи хилма-хил ва мураккаб, у тупроқ қопламининг шаклланиши, қишлоқ хўжалигига, техникалардан фойдаланишда, қайта ишлаш ва номоддий ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш ва жойлаштиришга кучли таъсир кўрсатади.

Вилоят рельефи морфологик жиҳатдан текисликлар, водийлар, дарё, адирлар, тоғолди ва баланд тизмаларга бўлинади (1-илова). Уларни шартли равишда тоғлик ва текислик қисмларга ажратиш мумкин. Ҳудуднинг текислик қисми Сурхон-Шеробод водийси, Шеробод дашти ва кўп сонли тоғ дарё водийларини ўз ичига олади. Сурхон-Шеробод водийси тоғ ва тоғолди зонасига нисбатан интенсив ўзлаштирилган бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариш кучлари зичроқ жойлашган. Бу ҳудуд илмий адабиётларда Қуий Сурхондарё агрогеографик райони деб аталиб асосан текисликдаги ҳудудларни ўз ичига олиб, маъмурий жиҳатдан Ангор, Жарқўрғон, Музработ, Термиз, Шеробод ва Қизириқ туманларидан иборат. Ушбу маъмурий бирликлар вилоят майдонининг 32,2 фоизини, аҳолисининг 39,0 фоизини ўзида мужассам қилган. Минтақа вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 2/5 қисмидан кўпроғини таъминлайди. Қуий минтақада қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерлар, жумладан, сугориладиган ерлар ҳажми кўп, ҳарорат ҳам етарли, аммо сув заҳиралари жуда оз. Айнан шу ҳудудларда янги ерлар ўзлаштирилган бўлиб, улар минтақа агроиқтисодиёт тизимида муҳим ўринга эга. Сурхон-Шеробод

водийси уч томондан баланд тоғ тизмалари билан ўралган. Ушбу тизмалардан вилоят қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш манбаи ҳисобланган Тўпалангдарё, Сангардакдарё, Хўжаипак, Шерободдарё каби дарёлари бошланади. Водийда бир қанча сув омборлар, жумладан Жанубий Сурхон, Тўпаланг, Учқизил, Оқтепа, Дегрез сув омборлари, қатор магистрал каналларининг қурилиши тез суръатда қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг кенгайишига ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиланишига олиб келди.

АДАБИЁТЛАР

1. Allanov Q.A., Mustayev Q.R. O'rta Osiyo tog' muzliklari va uni o'rganishning amaliy ahamiyati//O'zbekistonda geografiya fanining dolzarb masalalari. Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Termiz, 2020. – 36-39 b.
2. Maxmatraimov Ch.E., Allanov Q.A., Choriyev A.Q. Surxondaryo viloyati iqtisodiy taraqqiyotiga ta'sir etuvchi ta'sir etuvchi ayrim muammolar va uni bartaraf etish masalalari//Yangilanayotgan O'zbekistonda geografiya: fan, ta'lif va innovatsiya. Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Toshkent, 2021. – 137-139 b.
3. Alibekov L.A “O'rta Osiyo tabiiy geografiyasi” Samarqand 2006
4. Alibekov L.A “Эколого-географические проблем Центральной Азии” Samarqand, 2010.
5. Hasanov I.A, G'ulomov P.N “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” Toshkent , 2003.
Hasanov I.A , G'ulomov P.N “O'rta Osiyo tabiiy geografiyasi” Toshkent, 2002
6. Hikmatov F.X, Aytboyev D.P “Gidrologiya asoslari” Toshkent,2003
7. Chub B.E “Iqlim o'zgarishi va uning O'zbekiston Respublikasi tabiiy-resurs potensialiga ta'siri” Toshkent, 2000
- 8.Rafiqov A “Geoekologik muammolar ” Toshkent, “O'qituvchi”, 1997
9. Allanov Q.A, Abdimo'minov B.O “Global iqlim o'zgarishi, uning oqibatlari va unga moslashish” Termiz, 2018

10. Nizomov A, Nugmanova A, Matnazarov A "O'zbekiston tog' muzliklari"
Toshkent, 2016.